2011-yil 8-yanvar № 4 (2885) shanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Бизларни дунёга келтириб, вояга етказган, ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта ҳисса қўшган кекса авлод олдида барчамиз ҳамиша қарздормиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ – 4117- сонли Фармонига мувофиқ ҳамда замонавий халқаро стандартлар ва талабларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралда қабул қилинган ПФ — 2240-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома 2015 йил 31 декабргача ҳақиқийлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ҳўжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) оммавий ахборот воситаларида (матбуот, телевидение, радиоэшиттириш) фуқаролар ўртасида мазкур Фармоннинг асосий қоидаларини кенг тарғиб қилиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувлар тайёрлашни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (Э.Ғаниев) белгиланган тартибда хорижий давлатлар ҳукуматларини, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрда қабул қилинган ПФ — 3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатининг V бўлими қуйидаги мазмундаги 7-банд билан тўлдирилсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази».

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов) Адлия вазирлиги (Р.Муҳитдинов) ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 5 январ

Ҳақиқатан ҳам, қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидласак арзийди, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан

Юз билан юзлашганлар

Фаришталы юрт

Вобкент туманининг Ҳалвогарон қишлоғида яшовчи Тошбиби ая Ҳамроева учун 2010 йил шодиёналарга бой бўлди. Чунки ая бир гуруҳ юз ёшдан ошган отахону онахонлар қаторида Юртбошимиз фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

Бутун умри давомида кетмон чопиб, пахта териб, ипак қурти боқиш билан бирга тўрт фарзандни эл корига ярайдиган, меҳнатсевар, фидойи инсон қилиб тарбиялаган Тошбиби ая жаннатмакон диёримизда кекса-ю ёшга чексиз ғамхўрлик кўрсатилаётганлигидан миннатдор.

Вилоятимизда бугунги кунда 100 ёшдан ошганлар 146 нафарни ташкил этади. Улардан Яхшигул Ғафурова, Барно Темирова, Хол Рўзиева, Ҳақиқ Бўронова, Бобоназар Жумаев, Бахром Муродов каби нуронийлар уруш йилларида ва ундан кейинги даврлардаги фидокорона меҳнатлари учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлар.

Бундай мўътабар инсонлар доимо жамғармамизнинг эътиборида. Уларнинг ибратли ҳаёт йўллари ёритилган мақолаларни жамлаб «Қадр» номли очерклар тўпламини чоп эттирдик. Жамғарманинг Қорақўл туман бўлинмаси жамоаси эса «Элда эъзоз топганлар» деб номланган рисола тайёрлади. Фидойи инсонлар ҳақидаги бундай тўпламларнинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти беқиёсдир.

Нуронийларнинг саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда уруш қатнашчилари Тўрақул Жўраев, Ҳамид Ҳусенов «Турон» ва «Оқтош» санаторийларида дам олиб қайтди. Ромитан туманидан беш нафар меҳнат фахрийси Намангандаги «Қадрият» сиҳатгоҳида саломатликларини тикладилар.

Нуронийларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш, уларни республикамизнинг турли гўшаларига саёҳатларини уюштириш ҳам жамғармамиз томонидан изчил йўлга қўйилган. Ҳозиргача Самарқанд, Шаҳрисабз, Хива қадамжоларини 3200, Бухоро зиёратгоҳларини эса 7200 нафардан ошиқ фахрий зиёрат қилди. Президентимиз ташаббуси билан қисқа муддатларда бунёд этилган Бухоро маданий маркази халқимизнинг асл бунёдкорлиги намунаси бўлиб, бу ерга ташриф буюрганлар уни катта ҳайрат билан томоша қилмоқдалар. «Қариси бор уйнинг париси бор» деган мақол бор халқимизда. Дарҳақиқат, ҳар бир сўзи ҳикмат бўлган, бугунги фаровон турмушимиз учун тер тўккан, етмиш-саксондан ошиб, юз билан юзлашаётган нуроний отахон-онахонларни қанча эъзозласак оз.

Юсуф ҚУРБОНОВ,
«Нуроний» жамғармаси Бухоро вилоят бўлими Кенгаши раиси

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Маҳсулотимиз харидоргир

имкониятларимиз ҳам шунга яраша

Ишларимиз бароридан келиб, айни кунда 248 турда сифатли мебел ишлаб чиқаряпмиз. 50 дан зиёд иш ўрни яратилган бўлиб, ёшларнинг малака ҳосил қилишлари учун мунтазам равишда ғамхўрлик кўрсатилаётир.

Албатта, бозор шароити ўз шартларини қўймоқда. Ҳар йили таълим муассасаларини мебел, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ўтказилаётган республика тендер савдосида қатнашаётганимиз тинимсиз изланишга ундамоқда. Натижада, меҳнат самарадорлиги йилдан-йилга яхшиланяпти.

Маҳсулотларимизга буюртмалар тобора ортиб бораётганлигининг яна бир сабаби бор: усталаримиз буюртмачиларнинг талабига кўра, мебел ва уй жиҳозларининг ўлчами, қоплама ранги, турли безакларда тайёрланишини таъминлайди. Ҳатто зарур бўлса, керакли манзилга элтиб, ўрнатиб ҳам берадилар. Ўтган йилдан бошлаб йиғма кароват, теннис столи каби янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, вилоятга инвестиция киритиш ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш мақсадида жорий йилда Навоий шаҳрининг «Тинчлик» қўрғони ҳудудида пардозлаш плиталари (кафел) ва темир-бетон плиталари ишлаб чиқариш режалаштириляпти. Бу ишни амалга ошириш учун Хитой, Россия Федерацияси, Жанубий Корея, Украинанинг етакчи компаниялари билан замонавий ускуналар келтириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Дастлабки натижа шундан иборатки, жамият Москва шаҳридаги «ВИБРОПРЕСС» ЁАЖ билан бўш ҳажмдаги бетон-плита ишлаб чиқарадиган ускуна олиб келиш борасида шартнома имзолади.

Навоий шаҳрининг 18-«Б» кичик туманида турар-жой бинолари қурилишида фаол иштирок этиш кўзда тутилган. «Халқлар дўстлиги» кўчасидаги «Мебеллар уйи» савдо мажмуаси Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

Баҳодир ҚЎШАНОВ,
Навоий вилоятидаги «Navoiy-ESK» МЧЖ раҳбари

Соғломлаштириш дастури амалда

Иш суръати ошмоқда

Питнак шаҳри аҳолиси учун иморат қуришда зарур бўладиган шифер излаб узоққа боришга эҳтиёж қолмади. Бу ерда ўтган йили ишга туширилган шифер ишлаб чиқариш заводи ана шу эҳтиёжни тўла-тўкис қондирмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг 1 миллиард 56 миллион сўмлик инвестицияси асосида банкрот ҳолатига тушиб қолган собиқ сут заводи биносига Хитойдан келтирилган 168 миллион сўм қийматидаги линия ўрнатилиб, шифер ишлаб чиқарила бошланди.

Қурилиш материали учун хом ашё масаласи ҳам ҳал этилаяпти. Шифер учун зарур бўладиган цемент ички имкониятлар асосида таъминланаётир. Асбес эса Россия ва Қозоғистондан келтирилмоқда. Линиянинг ишга туширилиши туфайли питнаклик 60 нафардан зиёд киши иш билан таъминланди. Ҳозирда кунига корхонада 1500 дона шифер ишлаб чиқарилиб, маҳсулотнинг харидоргирлиги ортмоқда.

Оллаберган РАЖАБОВ

Кўмак

Самарқанд туманидаги «Парвина» озиқ-овқат корхонаси банкирлар кўмагида инқироздан қутилди.

«Агробанк»нинг вилоят бошқармаси мазкур корхонани тасарруфига олиб, молиявий соғломлаштириш дастурига мувофиқ, 530 миллион сўмлик хориж технологиясини ўрнатди.

«Агромуз» дея янгича номланган корхонада сутни қайта ишлаш, қадоқлаш ускуналари иш унумдорлигини оширяпти. Айни чоғда компютерлаштирилган дастгоҳларда 30 киши меҳнат қилаяпти. Янги йилдан ходимлар сони яна 60 кишига кўпаяди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Меҳнат инсонни улуғлайди

— Дастлаб «Шўртангазкимё» мажмуасидан чиқиндилар сотиб олиб, «баклашка»лар учун иккиламчи хом ашё ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди Юсуф. — Айни пайтда полиэтилен чиқиндиларини қайта ишлаяпмиз. Эътибор қилган бўлсангиз, ҳар бир хонадондан бўшаган баклашкалар, целлофан қопчалар, иссиқхоналарга ишлатилган плёнкалар, турли хўжалик идишлари яроқсиз ҳолга келганда, ахлат уюмларига чиқариб ташланади. Улар на чирийди, на йўқ бўлади, атроф-муҳитга зарар келтириб ётаверади. Билсангиз керак, талай хорижий мамлакатларда чиқиндилардан иккиламчи маҳсулот тайёрлаб, аҳоли эҳтиёжини қондириш бўйича илғор тажрибалар шаклланган. Нега биз ҳам шундай қилишимиз мумкин эмас, деб ўйлайман...

Бундан беш йил олдин фақат иккиламчи хом ашё ишлаб чиқарган бўлсак, бугунги кунда полиэтилен қувурлар ҳамда черепицалар тайёрлаяпмиз. Полиэтилен чиқиндилари ҳамда қум аралашмасидан тайёрланган черепицалар 80 градус совуқ ва иссиққа чидамли. Айни чоғда уларга эҳтиёж катта.

2-бет

Ishonch
2011-yil 8-yanvar № 4 (2885)

Касаба уюшмаси аралашгач...

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Термиз шаҳар бўлими бош мутахассиси Бироба Холматова иш берувчи томонидан 2009 йил май ойидан 2010 йил феврал ойига қадар ишлаган даври учун ойлик иш ҳақи тўланмаганлиги ҳақида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилгач, мазкур шикоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вакиллигига текшириш учун юборилди.

Иш ҳақи ундириб берилди

Мурожаатни ўрганиш жараёнида Б.Холматова 2007 йилдан «Маҳалла» хайрия жамғармаси Термиз шаҳар бўлимида бош мутахассис вазифасида ишлаб келганлиги аниқланди. Жамғарма бўлимининг 2010 йил 12 июндаги 54-сонли маълумотномасига кўра, жамғарма ҳисоб рақамида пул бўлмаганлиги сабабли Б.Холматовага 2009 йил май ойидан 2010 йил феврал ойига қадар 1 млн. 461 минг 364 сўм ойлик иш ҳақини бермаган.

Меҳнат кодексининг 154-моддасида «Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт» деб кўрсатилган. МКнинг 161-моддаси талабига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш муддати ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас.

«Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги қарорида мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавобгар эканлиги кўрсатилган.

Бу билан иш берувчи Б.Холматовага ойлик иш ҳақларини ўз вақтида бермасдан МКнинг 154-, 161-моддалари ҳамда «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қўпол равишда бузиб келган.

Вилоят тармоқ касаба уюшмаси вакиллиги томонидан иш берувчига Б.Холматовага ойлик иш ҳақини зудлик билан тўлаб бериш ҳақида хат юборилди. Вакиллик аралашуви билан Б.Холматованинг 2009 йил май ойидан 2010 йил феврал ойига қадар 1 млн. 461 минг 364 сўм бўлган ойлик иш ҳақи ундириб берилди.

З. ХОЛОВ,
Сурхондарё вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вакиллигининг ҳуқуқий бўлим мудири

Ватан ҳимоячилари куни олдидан

Машқларда тобланар юртим мардлари

Қуролли кучларимиз сафларида ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда.

Офицер Жаҳонгир Дадажонов хизмат қилаётган ҳарбий қисм шахсий таркиби полигонда жанговар тайёргарлик машғулотини ўтамоқда. Ҳарбий хизматчилар пиёда ва ҳарбий техникалар ёрдамида ҳаракатланиш, позицияни эгаллаш, мудофаада туриш, шунингдек, ўзларига бириктирилган турли қуроллардан нишонга отиш машқларини бажаришлари керак. Шу тариқа зарур пайтда ўз ўрнини бехато эгаллайдиган ва вазифасини ишончли тарзда уддалайдиган ҳақиқий Ватан ҳимоячиси шаклланади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Буйруққа мувофиқ дала-ўқув машғулотлари майдонига йўл олган шахсий таркибга маълум масофадан ўтгач, тўхташ буйруғи берилди. Гуруҳ командирлари қўл остидагиларни сафга тизгач, машғулотга раҳбарлик қилаётган масъул офицер Алишер Ризаев томонидан вазифа тушунтирилиб, қисқача йўриқнома ўтказилди ва ҳар бир гуруҳга тегишли топшириқлар берилди.

— Қуролли кучларимиз фахри ҳисобланган ҳаво-десант қўшинлари сафида бурчимни ўтаётганимдан хурсандман, — дейди оддий аскар Нодир Қўчқоров. — Ҳозирги машғулотда ўзимга бириктирилган қўл пулемётидан нишонга отдим. Натижам ижобий баҳоланди. Бундан буён ҳам тайёргарлигимни асло сусайтирмасдан, янги-янги зафарларни қўлга киритишни мақсад қилганман.

Ёшин ҲАКИМОВ

Биз кичик сержант Баҳодир Қобилов оиласининг шодмон кунларига шерик бўлдик, десам хато бўлмайди. Бунга сабаб, улар барча қулайликларга эга, шинам уйга эндигина кўчиб киришган экан. Хонадондаги шароитни кўриб, бизнинг ҳам баҳри дилимиз очилди. Оила даврасидаги суҳбат эса самимий ва кўнгилли кечди.

Бахти зиёдалик ёр бўлсин

Бу гўзал жуфтликнинг ҳаёт йўллари муҳаббат ришталари ила боғланган. Айни дамда уларнинг бағрини қувончга тўлдириб тургувчи Шаҳризода Баҳодиржон ва Нигорахоннинг умид юлдузи. Уч ёшдан ёзишни ўрганган иқтидорли қизалоқнинг чизган расмлари сизни лол қолдириши турган гап. Албатта, бунда ота-онасининг улкан ҳиссаси бор.

Оила бошлиғи Баҳодиржон ўн йилдан буён ҳарбий қисм оркестрида хизмат қилиб келаяпти. Унинг ҳарбий соҳага кириб келишида оркестр бошлиғи сержант Эрназар Араловнинг катта ҳиссаси бор.

— Инсон бахти оила билан тўкис, — дейди Баҳодиржон. — Рафиқам билан фикрларимизнинг бир жойдан чиқиши бежиз эмас. Чунки у ҳам санъат шайдоси, яхши расм чизади, кийим-кечак, пардаларнинг янги фасонларини яратишда уста дизайнер. Қизим ҳам бу борада онасига тортган. Севган касбим, оилам менинг бахтим, келажагим, албатта.

Зулфия ЮНУСОВА

Эътибор ва ғамхўрлик намунаси

Яқинда юрт посбонларини уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган Давлат дастури ижроси доирасида ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун мўлжалланган навбатдаги турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Шарқий ҳарбий округда янги уйларни ўз эгаларига топширишга бағишланган тантанали тадбирда ҳарбий қисм қўмондонлиги, давлат ва жамоат вакиллари иштирок этишди.

Капитан Элмурод Отажоновга ҳам янги уй калити топширилди.

— Энди бизнинг ҳам шинам, қулай уйимиз борлигидан бениҳоя хурсандмиз, — дейди оила бекаси Элмира Отажонова.

Миллий армиямизни модернизация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш баробарида, ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек буюк ишга бағишлаган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек, уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, бир сўз билан айтганда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари доимо давлатимиз эътиборидадир.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Фаоллар ўқуви

Касаба уюшма фаоли билимдон, зукко, ташкилотчи ва сиёсий жиҳатдан ҳам юксак савияга эга бўлиши даркор.

Тадбир

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши соҳадаги бошланғич касаба уюшма қўмита раислари ва фаоллари учун Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-семинар ташкил этди.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Алтиев маърузада кўтарилган энг муҳим масалаларнинг нақадар ҳаётий эканлигини мисоллар орқали кенг таҳлил этиб берди. Юртбошимиз раҳбарлигида дунё мамлакатлари миқёсида мустақил ватанимизнинг обрўси ошиб, ўз ўрни ва қиёфасини топа олганлиги фахр билан таъкидланди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Орамиздаги одамлар

Меҳнат инсонни улуғлайди

Йиллар елдирим ўтаверди, она-бола тинимсиз меҳнат қилаверди. Бу ўртада Юсуф уйланди, кейинроқ икки укасини ҳам уйлашди, сингиллари-да узатилди. Замонанинг зайли билан давр ўзгарди. Ишбилармон, тадбиркор кишиларнинг куни туғди. Жумладан, ҳикоя қилаётганимиз Юсуф Ғуломовнинг ҳам омади келди. У оила аъзолари, укалари билан маслаҳатлашиб, банкдан кредит олди ва Китоб туманида «Жавоҳир-Акром» тайёрлов-савдо ишлаб чиқариш корхонасига асос солди.

— Дастлаб «Шўртангазкимё» мажмуасидан чиқиндилар сотиб олиб, «баклашка»лар учун иккиламчи хом ашё ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик,— дейди Юсуф. — Айни пайтда полиэтилен чиқиндиларини қайта ишлаяпмиз. Эътибор қилган бўлсангиз, ҳар бир хонадондан бўшаган баклашкалар, целлофан қопчалар, иссиқхоналарга ишлатилган плёнкалар, турли хўжалик идишлари яроқсиз ҳолга келганда, ахлат уюмларига чиқариб ташланади. Улар на чирийди, на йўқ бўлади, атроф-муҳитга зарар келтириб ётаверади. Билсангиз керак, талай хорижий мамлакатларда чиқиндилардан иккиламчи маҳсулот тайёрлаб, аҳоли эҳтиёжини қондириш бўйича илғор тажрибалар шаклланган. Нега биз ҳам шундай қилишимиз мумкин эмас, деб ўйлайман...

Бундан беш йил олдин фақат иккиламчи хом ашё ишлаб чиқарган бўлсак, бугунги кунда полиэтилен қувурлар ҳамда черепицалар тайёрлаяпмиз. Полиэтилен чиқиндилари ҳамда қум аралашмасидан тайёрланган черепицалар 80 градус совуқ ва иссиққа чидамли. Айни чоғда уларга эҳтиёж катта.

— Келгусидаги режаларингиз қандай? — сўрайман тадбиркордан.

— 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши бизни қувонтирди. Ҳозир корхонамиз ижара асосида фаолият юритмоқда. Биз лизинг асосида яна ускуналар сотиб олиб, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулотлар чиқариш ҳаракатидамиз. Масалан, иссиқхоналар учун ишлатиладиган плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга зарурат сезилаётир. Боз устига, уни бошқа вилоятдан ёки шаҳардан келтиргандан кўра, ўзимизда чиқарсак, нархи ҳам арзонлашади. Лизинг ҳужжатлари тахт. Корхона учун жой ажратишини сўраб, юқори ташкилотларга мурожаат қилдим. Ахир бировнинг ерида туриб, истиқболли режаларни амалга ошириш осон эмас. Агар ер ажратилса, корхонамизнинг янги биносини бунёд этардик, қолаверса, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиб, халқ дастурхонига чорва ва боғдорчилик маҳсулотлари етказиб бериш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Туман ободонлаштириш бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари, уй-жой ширкатлари, мактаблар билан шартномалар тузганмиз. Улардан керақсиз полиэтилен нарсалар сотиб оламиз. Шунингдек, «Шўртангазкимё» мажмуаси чиқиндиларига ҳам эҳтиёжимиз катта. Чунки хом ашё қанча кўп бўлса, ишлаб чиқариш шунча ортади, янги иш ўринлари яратилади.

Янги йилда Хитойга бориш ниятидаман. Улар оддий «баклашка»ларни қайта ишлаб, спорт костюмлари тайёрлашаётган экан. Технологиясини кўриб, танишиб келишим керак.

Юсуф аканинг мутахассислиги муҳандис-технолог. Черепица ва қувур ишлаб чиқарадиган ускуналар чизмасини ўзи чизди, оддий темирни чилангарга йўндириб, йўқдан бор қилди. «Уларнинг ҳар битта гайкаси мен учун қадрли», дейди дастгоҳни кўрсатиб.

Қаҳрамонимизнинг ихтироси мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилди. У «Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичида «Инновацион лойиҳалар» йўналиши бўйича ғолиб бўлди.

«Меҳнат инсонни улуғлайди», деган ақидага амал қилган Юсуф Ғуломовнинг фарзандлари Даврон, Жавлон, Султон ҳамда Мадина ҳам унинг изидан бориб, меҳнатга меҳр қўйишган.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида айни кунда 1538 нафар ўқувчи молия, бухгалтерия, тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси сингари 7 та йўналиш бўйича сабоқ олмоқда.

Улардан 150 нафарга яқини ўқув-ишлаб чиқариш устахонасида тикувчилик сирларини ўрганаётир. Коллеж ёшлари ҳар йили шаҳар миқёсида ўтказиладиган «Энг яхши мутахассис» кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Бундай ютуқларга эришишда махсус фан ўқитувчиси Дилноза Расулова, ишлаб чиқариш таълими устаси Фарангиз Жалилова сингари жонкуяр устоз-мураббийларнинг хизмати беқиёс.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Оталиқдаги соҳа

«Термиз минтақавий темир йўл узели» тасаррруфидаги «Наврўз» наслчилик-чорвачилик мажмуаси 2008 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан иш юритилмоқда.

Бозорлар обод бўлади

— Биз Беларус, Польша, Германия давлатларидан жами 420 бош «Голштейн-Фриз» ва қораола зотли сигирлар келтириб, Термиз иқлим шароитида боқишни йўлга қўйдик, — дейди мажмуа раҳбари вазифасини бажарувчи Умид Худойназаров. — Натижа чакки эмас, ўтган муддатда уларнинг сони 882 бошга етди. Айни чоғда асосан сунъий уруғлантириш орқали соғлом бузоқлар олаяпмиз. Уруғ билан Тошкент вилоятининг «Наслхизмат» масъулияти чекланган жамияти таъминламоқда.

Мажмуада зотли моллар сони кун сайин ошаётир. Шу йилнинг ўзида 98 бош наслли хориж моли олиб келинди. Мингга яқин қорамолни боқиш учун Термиз тумани ҳудудидаги суғориладиган ер майдонидан 491 гектар ажратиб берилди.

Мажмуада реконструкция ишлари амалга оширилиб, жаҳон андозаларига мос технологиялар ўрнатилган. Моллар сақланадиган бинолар ҳам таъмирланган. Яқинда 32 бош қорамолни бир вақтнинг ўзида соғиб оладиган компютерлашган цех ишга туширилади. Пировардида, сигирнинг соғлиғи, вазни, кунига соғиб олинган сут миқдори, сифати, маҳсулдорлигини компютер маълумоти асосида таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Айни пайтда жамоада 75 киши меҳнат қилмоқда. Улар учун қулай иш шароити: ювиниш, дам олиш, тиббиёт хоналари мавжуд. Мажмуа бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Рустамхон Ражабовнинг таъкидлашича, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя яхши йўлга қўйилган. Ўртача ойлик 220-250 минг сўм. Шунингдек, Янги йил, Наврўз, Мустақиллик, Халқаро хотин-қизлар куни ва касб байрамларида моддий ёрдам, мукофот пуллари бериш ташкил этилган. Тушлик бепул. Ишга келиб-кетиш учун транспорт ажратилган.

Ишчи Нодир Казаков хонадонида ёнғин содир бўлганида 3,5 млн. сўм, Ёқуб Холлиевнинг онаси вафот этганда 754 минг сўм ёрдам кўрсатилди. Тракторчи Чори Маматқулов, сут соғувчилар Шалола Нурбоева, Дилбар Сафарова ҳам бундай кўмакдан баҳраманд бўлишди. Соғувчи Раъно Нормуродованинг қизи Фотима «Олтин тож» кўрсатувининг ғолиби бўлди, унинг сафар харажатлари мажмуа ҳисобидан қопланди. Меҳнат аҳлининг 10 нафар фарзанди «Вахшивор» оромгоҳида бепул дам олдирилди.

Меҳнат таътилига чиқишда бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот ҳамда 5 кундан 10 кунгача қўшиб бериш йўлга қўйилди. Меҳнат муҳофазаси учун 7,2 млн. сўм маблағ сарфланди.

— Зотдор молларни сунъий қочириш биноси бузиб қайтадан тикланяпти. Келгусида ўзимизда сутни қайта ишлаш цехлари очиш ниятимиз бор. Мақсадимиз, бозорларимизни арзон, сифатли гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлашдир, — дейди зоотехник Дилшод Ҳакимов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Матбуот анжумани

«Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!»

Ушбу шиор остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳамкорлигида ташкил этилган корхона, ташкилот ва муассаса ёшларининг II Республика анжумани доирасида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Баркамол ёшлар — юрт келажаги, янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги ишларнинг қатъиятли давомчиларидир. Мамлакатимизда қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлида ҳар томонлама кучли ва билимли кадрларни тарбиялаш мақсадида олиб борилаётган изчил сиёсат ўзининг юксак самарасини бераётир.

— Ҳаракатнинг корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари 4 мингга яқин бўлиб, охирги 3 ойда қарийб 500 тага кўпайди, — деди «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳамеджонова. — Уларга аъзо ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан ушбу Республика анжумани бўлиб ўтмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мутасадди ташкилот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган матбуот анжумани бевосита интернет орқали эфирга узатилди.

* * *

5-7 январ кунлари бўлиб ўтган анжуман доирасида қатор тадбирлар режалаштирилган бўлиб, «Касбим — фахрим менинг» шиори остида касблар фестивалининг республика босқичи ўтказилди. Унда ёшларнинг эришаётган ютуқлари, инновацион ва илмий изланишлари тўғрисида тақдимотлар, турли тармоқлардаги касб ва ҳунар эгалари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Анжуманнинг очилиши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси саноат-қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида бўлиб ўтди. Барча ҳудудлардан келган юздан ортиқ бошланғич ташкилот етакчилари депутатлар билан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг роли» мавзусида бевосита суҳбатлашишди.

Шунингдек, анжуманнинг асосий ташкилотчиларидан «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг фаолиятини ўрганиш, ундаги «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти билан яқиндан танишиш имкони яратилди. Хусусан, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси ва «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи»га ташриф, «Марказий темирйўлчилар музейига» экскурсия анжуман қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди. Марказий Осиёда илк бор синалган лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Анжумандан маънавий-маърифий учрашувларга ҳам кенг ўрин берилган. Жумладан, XVI Осиё ўйинлари ғолиблари, психолог, кинорежиссёр, ёзувчи ҳамда актёрлар билан учрашувлар уюштирилди. «Локомотив» спорт мажмуасида футбол, теннис ва сузиш бўйича спорт ўйинлари, «Қувноқлар ва зукколар» жамоалари беллашуви ва эстрада юлдузлари иштирокида байрам тадбири ҳамда «Бахтиёр она» монументи пойига гулдаста қўйиш маросими иштирокчиларга бир олам таассурот ҳадя этди.

Ўз мухбиримиз

Қишки фаоллар мактаби

«Камолот келажак таянчи»

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, истеъдод эгаларининг эзгу саъй-ҳаракатини ибрат қилиб кўрсатиш ҳамда юксак тараққиёт учун масъулиятни зиммасига олишга қодир бўлган етук кадрларни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани барчамизга маълум. Юртимизда соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар натижасида бунёдкор ва ташаббускор, дунё ҳамжамияти эътирофига лойиқ авлоднинг нафақат вояга етаётгани, балки улар сонининг ортиб бораётгани барчамизнинг ютуғимиз аслида.

Анъанага айланиб улгурган «Камолот — келажак таянчи» қишки фаоллар мактаби ҳам юқоридаги эзгу мақсадларнинг бир кўринишидир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши ҳамда Гулистон Давлат университети қошидаги «Ботаника» санаторийсида олтинчи марта ўтказилаётган ушбу тадбир иштирокчиларнинг билим ва дунёқарашини янада бойитишга хизмат қилди, десак янглишмаган бўламиз. Тадбирга ГулДУнинг 4400 нафар талабаси ичидан саралаб олинган 50 нафар истеъдодли, иқтидорли йигит-қизлар жалб этилган.

— Тадбиримиз дастури жуда ранг-баранг. Уни бевосита талабаларнинг хоҳишидан келиб чиқиб тайёрлашга ҳаракат қилдик, — дейди Гулистон Давлат университети «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти раҳбари Баҳромжон Умматов. — Айниқса, маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳамда ёшларнинг раҳбарлик ва интеллектуал қобилиятини юзага чиқариш каби мавзулардаги суҳбат ва семинар-тренинглар талабалар эътиборини тортмоқда. Иштирокчилар бу ерда маданий ҳордиқ чиқариш билан бирга, катта таассуротларга эга бўлиб қайтишларига ишонаман.

Дарҳақиқат, қишки фаоллар мактаби дастуридан давлат ва жамоат арбоблари, таниқли кишилар билан учрашувлар, уларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларга муносабати, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ турли долзарб мавзулардаги семинарлар, шунингдек, Тошкент шаҳрининг эътиборга молик жойларига саёҳатлар ўрин олган.

Фурсатдан фойдаланиб иштирокчилар фикри билан қизиқдик.

Ўғилой Норбўтаева, ГулДУ табиатшунослик факултети 2-босқич талабаси:

— Аввалдамбор, қишки фаоллар мактаби иштирокчиси эканимдан мамнунман. Мактаб доирасида ташкиллаштирилган тадбирлар ёшларга доир кўпгина мавзуларни қамраб олгани билан эътиборли. Айниқса, Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидовнинг раҳбарлик маданияти, талабалар маънавияти ҳамда баркамол шахс сифатлари мавзусидаги фикрлари менда катта қизиқиш уйғотди.

Азиза Ўрозбоева, ГулДУ агроиқтисодиёт факультети 2-босқич талабаси:

— Сафимизнинг йил сайин кенгайиб бораётгани ҳам бевосита мактаб доирасида ўтказилаётган тадбирлар талабаларни қониқтираётганидан далолат. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ёшлар маънавияти» ҳамда «Жамиятда баркамол фаол ёшларнинг ўрни» мавзусидаги суҳбат ва семинарлар бизнинг келгусидаги фаолиятимизда, албатта, қўл келади.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Ҳуқуқий сабоқ

Камерал назорат

Камерал назорат солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан, фаолиятига аралашмасдан, белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботи, шунингдек, солиқ тўловчи фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органларида мавжуд бўлган меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга ошириладиган назорат туридир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 70-моддасида камерал назоратнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Камерал назорат туман ДСИга топширилган молиявий ҳисоботлар бўйича ўтказилади. Солиқ кодексининг 84-моддасига асосан ташқи маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Назорат жараёнида хатоликлар аниқлангудек бўлса, солиқ тўловчи ҳеч қандай молиявий ёки маъмурий жазога тортилмайди. Аксинча, камчиликларни тузатиш учун талабнома юборилади ва 10 кун муддат берилади. Шу муддат ичида солиқ тўловчи ҳисоботлардаги хатоликларни тузатиши ёки тушунтиришларни солиқ идорасига тақдим этиши лозим.

Туман ДСИ томонидан камерал назорат моҳиятини аҳолига тушунтириш, солиқ солиш базасини нотўғри кўрсатиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида мунтазам семинарлар ташкил этилмоқда.

Муҳаммадали НОРҚУЛОВ,
Бектемир тумани
ДСИ бўлим бошлиғи

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран ОАТ «Турон банк» Марказий амалиёт бошқармасининг 2010 йил 31 декабрдаги 10/01-4897-сонли хатига асосан, қарздор «Inter Trast Building» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти Зангиота тумани, «Туркистон» Қ.Ф.Й.да жойлашган, мева-сабзавот сақлаш базасининг бино ва иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 400 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 24 январ куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулк 2011 йил 24 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2011 йил 27 январ куни соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1«А»-уй. Тел: 228-79-52.

«POYTAXT AUKSION» ДУК 2011 йил 10 феврал куни аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 136-уйда жойлашган «Moddiy-Texnik Ta'minot Boshqarmasi» давлат корхонаси балансидаги 1986й.и\ч, д\р 10AX510, бошланғич нархи 24 116 700 сўм бўлган ҳамда 1988й.и\ч, д\р 10AX508, бошланғич нархи 22 126 800 сўм бўлган иккита «КС-3577»; Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор кўчаси, 1«А»-уйда жойлашган «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАК балансидаги 2002й.и\ч, д\р 10AQ212, бошланғич нархи 9 382 000 сўм бўлган «Дэу Магнус» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Шунингдек, «Республика болалар бадиий ижодиёти Маркази» тасарруфидаги 1999й.и\ч, д\р 10AF506, бошланғич нархи 4 150 000 сўм бўлган «Дамас» 2011 йил 13 январ куни қайта савдога қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «POYTAXT AUKSION»ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй.

Алоқа телефони 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон почта: P-A_DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Давлат дон инспекциясининг д\р 10AX810 бўлган «Нексия» — 9 800 000 сўмга; «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш ОАЖнинг д\р 10AW740 бўлган «Дамас» — 6 100 000 сўмга; д\р 10AG424 бўлган «Нексия» — 8 700 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банкининг қуйидаги филиаллари балансидаги: Юнусобод филиалининг д\р 10AL339 — 6 000 000 сўмга; Ҳамза филиалининг д\р 10AW223 — 3 800 000 сўмга; Яккасарой филиалининг д\р 10AW217 — 6 000 000 сўмга; Учтепа филиалининг д\р 10AW219 — 6 500 000 сўмга; Чилонзор филиалининг д\р 10AW224 — 3 400 000 сўмга; Собир Раҳимов филиалининг д\р 10AI938 — 7 000 000 сўмга; Миробод филиалининг д\р 10AO623 — 5 000 000 сўмга; Бектемир филиалининг д\р 10AG514 — 6 000 000 сўмга жами 8 та «Дамас» русумли автотранспорт воситалари сотилганлигини маълум қилади.

Халқаро касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидан

ГАЗ янги йил таътилида

Россиянинг «ГАЗ» автомобил заводи маъмурияти касаба уюшма билан келишган ҳолда ишчиларга 11 январдан 24 январгача ҳақ тўланадиган янги йил таътили берилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Корхона матбуот хизматининг маълумот беришича, заводнинг ўтган 2010 йилнинг тўртинчи чорагида шу йилнинг январ ойи учун ҳам ишлаб чиқариш дастурини бажариб бўлганлиги бунга имкон берган.



Компания вакилларининг сўзларига қараганда, бундай чора-тадбирлар дунё машинасозлик саноатида қўлланилган бўлиб, меҳнат ва энергетик ресурсларни тежашнинг самарали шаклларидан ҳисобланади.

Буюк Британияда бюджетлар қисқаради

Буюк Британияда ҳукумат II жаҳон урушидан кейинги энг йирик қўламда бюджет қисқартиришлари амалга оширилишини эълон қилди. Маълум бўлишича, мамлакатда яқин беш йил ичида ижтимоий соҳада банд бўлган 500 минг атрофида киши ўз иш ўрнини йўқотади ва солиқлар ҳажми ортиши кутилади. Шунингдек, вазирликлар бюджети ҳам ўртача чорак қисмга камайтирилади, баъзи ташкилотлар бюджети эса 40 фоизгача қисқаради. Ижтимоий таъминот харажатлари ҳам кескин қисқариши мумкин. Ҳукумат вазиятни «давлат секторининг қисқартирилиши келажакда хусусий секторнинг ўсишига ёрдам беради», деб изоҳламоқда.



Мамлакат касаба уюшма қўмиталари ушбу қарорга салбий муносабат билдириб, «Бу қисқартиришлар бевосита ёки билвосита миллиондан ортиқ кишининг ишдан ажралишига олиб келади. Бунга эса ҳеч қандай иқтисодий зарурат йўқ» демоқда.

Янги касаба уюшма ташкилоти

Эстонияда янги йил арафасида шахтёрлар ва энергетикларнинг мустақил касаба уюшма ташкилоти иш бошлади. Ушбу ташкилот мамлакатдаги энг йирик касаба уюшма ташкилоти бўлишга ваъда бермоқда. Бу ҳодисага баъзилар ижобий ёндашаётган бўлса, айримлар касаба уюшма ҳаракатининг парчаланиши, деб баҳоламоқда.

Янги ташкилотга шахтёрлар ва энергетикларнинг 5 та бирлашмаси раҳбарияти ташаббуси билан асос солинган. Бунга эса мамлакатдаги касаба уюшма ташкилотларининг иш юритиш моделини самарасиз деб топилиши сабаб бўлди.

Маълум бўлишича, Эстонияда ҳар бир корхонадаги касаба уюшма қўмитаси алоҳида юридик ташкилот сифатида фаолият юритар экан. Бу эса янги ташкилот асосчиларининг фикрига кўра, касаба уюшма ташкилотлари ўртасида рақобатни келтириб чиқаради ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатади.

Иш ўринлари сақлаб қолинди

2010 йил сўнгида Россиянинг Москва шаҳридаги «Лиггетт-Дукат» фабрикаси раҳбарияти ҳамда касаба уюшма ташкилоти ўртасида корхона томонидан режалаштирилган штат қисқартирилишига оид ўзаро келишув имзоланди. Унга кўра касаба уюшма қўмитасининг ҳаракатлари билан фабрикадаги 193 иш ўрнига чет элдан ишчи кучини жалб қилиш тўғрисидаги қарор бекор қилинди. Шунингдек, 32 та қўшимча қисқартирилган иш ўрни учун қўшимча кафолат олишга эришилди.

Режалаштирилган штат қисқариши фабрикада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайтирилиши билан боғлиқ бўлган. Аммо корхона раҳбарияти ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришлардан оммавий аутсорсинг (четдан арзон иш кучини жалб қилиш) учун баҳона сифатида фойдаланишга уринган. Касаба уюшма ташкилоти эса доимий ишчиларни ёлланма ишчиларга алмаштириш ишлаб чиқариш хавфсизлиги ҳамда маҳсулот сифатига акс таъсир кўрсатишини корхона раҳбариятига исботлашга муваффақ бўлган. Натижада ходимларнинг ишдан бўшатилиши олди олинди.

Қолган 32 та қисқартирилган иш ўрни учун эса, касаба уюшма қўмитасининг томонларни штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиш нафақаси миқдорини 6 дан 17 ойлик иш ҳақигача (фабрикадаги иш стажига, шунингдек, нафақа ёшига яқин ёки нафақа ёшида эканлигига қараб) кўтарган ҳолда ишдан бўшатиш ҳақидаги таклифи қабул қилинган. Шунингдек, барча иш ўрни қисқартирилган ходимларга янги ишга жойлашишида корхона томонидан ёрдам кўрсатилади (кадр агентликлари орқали бўш иш ўринлари топиш, резюме тайёрлаш ва ҳ.к). Бундан ташқари, барча ишдан бўшатилган ходимлар ярим йил давомида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ошадиган бўлса, ишга қайтиш ҳуқуқини сақлаб қолишади.

Интернет хабарлари асосида
Ж. ЮНУСОВ тайёрлади

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 8-yanvar № 4 (2885)

Мангу наволар

Ўзбек тўйлари қанчалик замонавийлашмасин, уларни «Ёр-ёр», «Келинсалом», «Ўлан»ларнинг ўзига хос жозибасисиз тасаввур этиб бўлмайди.

«Ёр-ёр»ларда катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган икки ёшга бахт тилаш, садоқатли бўлишга чорлаш каби эзгу ниятларнинг ифодасини кўрамиз:

Тахта-тахта кўприк,
Тахтинг бўлсин, ёр-ёр.
Пайғамбарнинг қизидек
Бахтинг бўлсин, ёр-ёр.

Бу сатрларда келинни пайғамбарнинг қизидек бахтли-саодатли бўлиши, ўзи билан бораётган хонадонига қут-барака, бахт-саодат олиб кириши ният қилиняпти.

«Ёр-ёр»нинг матнида халқимизнинг босиб ўтган тарихий йўли, реал борлиқ ҳам ўрин олганлигини кўриш мумкин. Чунончи, ушбу «Ёр-ёр» диёримизга ислом дини кириб келгандан сўнг дунёга келганлигини асословчи фактлардан биридир. Биз буни сўнгги икки мисра мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ёки:
Йиғлама, қиз, йиғлама,
Тўй сеники, ёр-ёр.
Остонаси тиллодан,
Уй сеники, ёр-ёр.

Нега келин бўлмишни ота уйидан айрилаётган дамда остонаси тилло уйни ваъда қилиб овутишмоқда? Ҳақиқатдан ҳам у кетаётган уйнинг остонаси тиллоданми? Албатта, бу сўзлар замирида олам-олам маъно мужассам. Янги келинчак ёри уйининг остонасини ҳатлаб ўтар экан, ўзи билан бир дунё яхши ниятлар ва қут-барака олиб келади. Шу сабабдан ҳам, у ҳатлаб ўтган остона олтинга қиёсланади. Ёки бўлмаса, ота уйида кўрмаган орзу-ҳавасларини кўришини ният қилиб, янги уйнинг остонасини тиллога тенглаштирадилар.

«Ёр-ёр»ларда ёш йигит ва қизнинг янги ҳаётга қадам қўяётгани алоҳида эътироф этилади. Оилавий ҳаёт меҳр-муҳаббат ила тотувликдан бошланса, турмуш мобайнида тушунмовчиликлар бўлмаслиги ҳаёт тажрибаларида исботланган. Шу сабабдан ҳам келин-куёвнинг севги-муҳаббат ила иноқ турмуш бошлаши бу қўшиқларда кўпроқ тилга олинади ва куйланади:

Шойи кўйлак енгига,
Тут қоқайлик ёр-ёр,
Келин-куёв кўнглига,
Ўт ёқайлик, ёр-ёр.

«Ёр-ёр»лар матнига диққат билан назар солар эканмиз, унда параллелизм санъати қўлланилганини кўрамиз. Жумладан, шойи мато ипакдан тўқилади, ипак қурти эса турт дарахти барглари билан озиқланади. Бундан ташқари, шойи матодан қизларимиз, келинларимиз учун миллий кийимлар тикилган. Тут дарахти қадим-қадимдан муқаддас саналган, ундан чақалоқлар учун бешиклар ясалиши ҳам бежиз эмас. Тут дарахти меваси оқлик-поклик, қут-барака рамзи ҳисобланади.

Баъзан «Ёр-ёр»лар вазиятдан келиб чиққан ҳолда, йўл-йўлакай тўқилиб ижро этилиши мумкин:

Қиш кунида совуқ еб,
Ҳориб келдик, ёр-ёр.
Аччиқ-тирсиқ керакмас,
Койиб келдик, ёр-ёр.

Қуйидаги кўплаб ҳудудларда кенг тарқалган «Ёр-ёр»лардан бирининг матнида ҳам келиннинг ота уйидан айрилиқ ҳолати тасвирланади:

Тоғда тойчоқ кишнайди,
От бўлдим, деб, ёр-ёр.
Уйда келин йиғлайди,
Ёт бўлдим, деб, ёр-ёр.

Азалдан ўзбек қизларида ота уйига, туғилиб ўсган хонадонига меҳр кучли бўлади. Ҳар бир ўзбек қизи тўй кунида, туғилиб вояга етган хонадонидан айрилиқ чоғида, албатта, кўзига ёш олади. Бу уйда ўтган умридан, кечган ҳаётидан мамнунлик ва айрилиқ онларидаги хотиралар жонланиши мижжаларда ёш бўлиб қалқийди. «Ёр-ёр»ларда тўй жараёнидаги келиннинг руҳий ҳолати, унинг қалбидаги кечинмалар, инсон психологиясининг нозик қирралари ҳам асло назардан четда қолмаганини кўрамиз.

Узатилиб кетаётган келинни таърифу тавсиф қилиш, унинг хислатларини ифода этиш «Ёр-ёр»ларда кенг тарқалган услуб ҳисобланади:

Тоғда ўсган арчани,
Саккиз денглар, ёр-ёр.
Саккиз қизнинг сардори,
Келди денглар, ёр-ёр.

* * *

Оппоқ кўйлакда оққуш мисоли келинчак ва сарполари ўзига ярашган куёв бола тўйхонага «Ёр-ёр» садолари остида ташриф буюришида ўзгача файз бор. Ҳозирги кунда жонли ижрода «Ёр-ёр»ларнинг куйланаётгани халқ оғзаки ижодининг бу ноёб намунасининг ўлмаслиги, бетакрорлиги, қалбга яқинлиги билан изоҳланади. У қайси замонларда ижро этилмасин, ҳар доим ўзида эзгулик, яхшилик ва инсонийликни куйлаб келмоқда.

Гулираъно ОРИФЖОНОВА,
ЎзМУ ўзбек филологияси факултети санъатшунослик йўналиши талабаси

Тадбир

«Ўзбекэнерго» ДАК мажлислар залида тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган ходимлар иштирокида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов

Унда Тошкент шаҳар электр тармоқлари ва «Энерготаъмир» очиқ акционерлик жамиятлари, Тахиатош ИЭС, Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари ОАЖ жамоалари турли мавзуларда билим ва маҳоратларини намойиш этишди.

Томошабинлар, шунингдек, Навоий ИЭС ходимлари тайёрлаган саҳна кўринишларидан баҳраманд бўлишди. Куннинг иккинчи ярмида Бухоро, Тошкент, Андижон ва Навоий ҳудудий электр тармоқлари жамоалари ўртасида кечган қизғин савол-жавоблар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири

***

Қалблар қувончга тўлди

Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида Наманган вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг ташаббуси билан «Янги йил арчаси» байрам тадбири ўтказилди.

Олти кун давом этган тантанада 2500 га яқин болажонлар, хусусан, 26-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари «Қор маликаси» мусиқали эртак-томошасидан баҳраманд бўлишди.

Қорбобо ва Қорқизнинг чиқишлари, безатилган улкан арча атрофидаги саҳналаштирилган эртак-томоша мурғак қалбларни сеҳрли ва сирли оламга бошлагандек бўлди.

Байрам тадбирида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси раиси П.Паязов келажагимиз эгаларини ҳамиша давлатимиз, Президентимиз эъзозу эътиборида эканлиги, юртимизда уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратилганлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда қатнашган болажонларга янги йил совғалари тарқатилди.

Феруза ЭРМАТОВА,
Наманган вилояти

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To`lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
T.Shernayev

Navbatchi:
Sh. Abdusamadov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -20.00

Буюртма Г — 151

21000 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4 5

Шахмат

Фахрийлар беллашуви

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пайариқ туман бирлашган қўмитаси томонидан фахрийлар ва мураббийлар ўртасида шахмат беллашуви ташкил этилди.

Кўп йилдан буён ишлаб келаётган ўқитувчилар тармоқ кенгашининг янги йил совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Фаол китобхонлар

Республика болалар кутубхонасида янги йил муносабати билан анъанавий хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Кутубхонада байрам

Ўқувчиларнинг қишки таътилни сермазмун ўтказишига эришиш, йил давомида кутубхонадаги адабиётлардан энг кўп фойдаланган фаол ўқувчини рағбатлантириш, шунингдек, уларда китоб мутолаасини шакллантиришга ҳисса қўшиш тадбирнинг асосий мақсадидир.

Бундай тадбирлар мурғак қалбларда меҳр, қувонч ва шодлик туйғуларини уйғотиши, шубҳасиз. Зеро, байрам ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда ногирон болалар учун уюштирилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбирда иштирок этган 100 нафарга яқин ўқувчига ҳомийлар томонидан ўқув қуроллари ҳамда бадиий адабиётлар совға қилинди.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Кўргазма

Тасвирий санъат ижодкорлари она табиатни ўзларининг биринчи устозлари деб билишади. Табиат неъматлари, борлиқ сир-синоатлари, тоғлар салобати, боғлар таровати тасвирий санъат аҳлини ҳамиша ҳайратлантирувчи ижод қувватидир.

Она табиат рассом талқинида



Ўзбекистон Бадиий Академиясининг марказий кўргазмалар залида очилган, 26-марта ўтказилаётган анъанавий «Рассом ва табиат» кўргазмаси ана шундай ранг-баранг, дилтортар асарлар мажмуасидан иборат. Унда турли жанр ва мавзулардаги 200 дан зиёд ранг-тасвир, графика асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмада Ўзбекистон халқ рассоми Анвар Мирсоатовнинг «Ватан ҳақида қўшиқ», «Сарчашмада оқшом», «Мажнунтоллар», Икром Баҳромовнинг «Қишки айвон», «Кеч куз», «Ёз кунлари», «Паркент қирларида», Акмал Жамоловнинг «Тонг», «Қиш гўзаллиги», Муҳаммадёр Тошмуродовнинг «Қаҳратон кун», «Қорли тоғлар», Дилором Мамедованинг «Йўл», «Чирчиқ», Ҳайдарбек Санаевнинг «Ўрик пишганда» номли асарлари қаторида ёш истеъдодли рассомлардан Алишер Отабоевнинг «Ёмғирли кун», Акмал Мирсоатовнинг «Куз тонги», Азамат Отабоевнинг «Қиш», Илҳом Отабоевнинг «Куз жилоси», Ҳайитбой Султоновнинг «Ёз ифори», «Ватан сурури», «Хумсон» каби картиналари ҳам ўрин олган.

Натюрмортлар орасида Нодира Орипованинг «Анорлар», Мусаввара Ўлмасованинг «Хризантемалар», Нафиса Гилманованинг «Олмалар билан натюрморт» каби асарлари тиниқ ранг товланишлари ва тасвир аниқлиги билан томошабинларни ўзига жалб этди.

Кўргазмага графика санъати усталари ҳам турли техникаларда яратилган асарларни тақдим этишди. Улар орасида Дамир Ўразаевнинг «Дарёнинг тинч қисми», «Ёнғоқзор», Искандар Воҳидовнинг «Филон туркуми» асарлари ажралиб туради.

Кўргазма ўз кўлами, нуфузи ҳамда энг кўп ва сара муаллифлар қатнашганлиги билан санъат ихлосмандлари қизиқишига сазовор бўлмоқда.

Бахром ТОЖИЕВ,
санъатшунос

Чиниқиш маскани

Пастдарғом туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида капитал реконструкция ишлари амалга оширилиб, замонавий спорт зали бунёд этилди.

Уни барпо этишга Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали томонидан 563 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, спорт ишларини жонлантириш ва ёшлар иштирокини кучайтириш учун 31 миллион сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Айни чоғда замонавий спорт масканида 750 нафар ўқувчи баскетбол, енгил атлетика, самбо, дзюдо ва бадиий гимнастика билан шуғулланяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, шаҳарда жойлашган уйлардаги ҳаво кўчадагига нисбатан 4-6 баробар кўпроқ ифлосланар экан. Сабаби, хоналарга кўрк бериб турган мебелларни ясашда ишлатилган ёғочларнинг аксарияти саломатлик учун зарарлидир.

Уй тутишни биласизми?

Ўқинг, қизик!

Аҳоли ўртасида «пластик материалнинг зарари бор, улар асосан поливинилхлорид (ПВХ)дан қилинган» қабилидаги тушунчалар мавжуд. Бу тўғри эмас.

Замонанинг зайли билан ёғоч поллар ўрнини замонавий ковролан, линолеумлар эгалламоқда. Пол паркетдан бўлса-ку, дуруст, аммо у жуда қиммат, шунингдек, бир лекини ҳам бор. Масалан, паркетнинг устига бериладиган лак ёки мастика узоқ вақт ҳид тарқатиб туради. Табиийки, бу ҳолдан анча вақт асаб бузилади. Лойсувоқ ўрнини даставвал цемент, алебастр эгаллаган бўлса, 60-90 йилларга келиб, шпаклевка қўлланила бошланди. Унинг афзал томони шуки, тез қурийди ва суянилганда кийимда из қолдирмайди.

Деворга синтетик гулқоғоз ишлатиш тавсия этилмайди. Яхшиси, уларнинг табиий целлюлозадан тайёрланганини танланг. Айни пайтда ойнаванд гулқоғозлар урф бўлмоқда. Улар экологик жиҳатдан тоза бўлиб, табиий минералларга бой ҳамда пишиқ ишланган, йиртилиб кетмайди, из қолмайди, кучли дезинфекция суюқликлари билан ишқалаганда ҳам сифати бузилмайди. Шу туфайли уларни бемалол синтетик тозаловчи суюқликлар билан ювиш мумкин.

Уйингиз чиройли ва яшаш учун қулай бўлса, айни муддао, шунингдек, экологик талабга ҳам жавоб берса, нур устига нур. Бунинг учун хонадонингиздаги ҳар бир нарсанинг ижобий ва салбий жиҳатларини чуқур англашингиз лозим. Масалан, нотўғри уланган электр симлари, иситиш ускуналари электромагнит зарарланиш захираси бўлиши мумкин. Янги қурилган ёки таъмирланган иморатда, албатта, экологик бузилиш рўй беради. Бўёқлар, лаклар, мебеллар ўзларидан заҳарли моддалар чиқариши табиий. Бу ҳол инсон организмига ёмон таъсир кўрсатиши, иммунитетнинг пасайишига, жигар, буйрак, асаб, нафас тизимининг издан чиқишига олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун хоналардаги ҳавони тозалаш, яъни уларни узоқ муддат шамоллатиш зарур.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакиллиги жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Урганч туманидаги вакили Юлдаш Атажоновга ўғли **АЛИШЕР**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Оққўрғон тумани кенгаши раиси **Абдумалик ОЧИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.